**Сиқилган табиий газ етказиб бериш юзасидан тузилган**

# Ш А Р Т Н О М А № 1.

“06” 01 2022 йил. Жиззах шаҳар.

“TRANS ENERGO OIL” масъулияти чекланган жамияти раҳбари А. Ж. Бўрибоев амалдаги Низомга асосан, қуйида “Таъминотчи” деб юритилади ва “Довудхўжа Эрназаров” ф/х Низоми раҳбари Н. Эрназаров иккинчи томондан, кейинчалик «Истеъмолчи» деб юритилувчи ва биргаликда ушбу шартномани қуйидаги тартибда туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

1.1. «Таъминотчи» махсулот ишлаб чикариш ва етказиб беришни ўз зиммасига олади. «Истеъмолчи» эса ўз вактида махсулотга пул тўлаб, ўз вақтида махсулотни қабул қилиб олади.

«Истеъмолчи»

| Махсулотнинг номланиши | Ўлчов бирлиги | Йил давомида етказилиши Жами | Шу жумладан | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак |
| Сиқилган табиий газ баллонли а/м лар учун | Куб/м | 450 | 450 | — | — | — |

1.2. «Истеъмолчи» автомобилларни газ баллонларини тўлдириб берилишини, «Таъминотчи» газ тўлдирувчи компрессор станциялари (АГТКШ) орқали амалга ошириб боради.
1.3. «Истеъмолчи»ни автомобилларини (АГТКШ) газ билан тўлдириб берилган кун таъминланиш бажарилган кун деб ҳисобланади.

## 2. МАХСУЛОТ НАРХИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ.

2.1. Шартнома тузилган пайтдаги *“Акциз солиқ хамда 15 % қўшимча қиймат солиқлари” ҳисобга олинган ҳолда* **1 куб/м газ нархи 2 500 (Икки минг беш юз) сўм** бўлиб, умумий баҳоси 1125000,0 (бир миллион бир юз йигирма беш минг) сўм ни ташқил қилади. Ушбу шартноманинг умумий сўммаси хомашё, материаллар, ёқилғи энергетик ресурслар нархи ошган сари ўзгариб боради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси хокимиятининг норматив актлари ва қарорларида ўзгаришлар бўлган сари ҳам ўзгариб боради.
2.2. Хомашё, материаллар, ёкилги энергетик ресурслар нархлари узгарган тақдирда улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар «Истеъмолчи» учун 1 куб/м газнинг янги таннархи бўйича амалга оширилади.
2.3. «Истеъмолчи» томонидан шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган газ миқдори учун ҳар ойлик тўловни тўловни ойма – ой 100 % олдиндан тўлаш мажбуриятини олади.
2.4. «Истеъмолчи» махсулотни қўшимча қиймат солиғи билан олади.
2.5. «Истеъмолчи» томонидан шартноманинг 2.3. банди ўз ватида бажарилмаган тақдирда «Таъминотчи» томонидан автомобилларни газ билан таъминлаш тўхтатилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «Истеъмолчи» баллонли газ билан жихозланган автомобилларнинг техник холати ва техник хавфсизлиги учун маъсулликни ўз зиммасига олади, шунингдек ёнғиндан сақлашга, санитария ва экологик хавфсизлик учун маъсулдир.
3.2. «Истеъмолчи»: а) амалдаги қоидаларни бажариш (техник шартлар, инструкциялар, низомлар) шарт.
б) баллонли газ жихозларини ва автомобилларнинг моддий созланган ҳолда сақлаб бориши.
3.3. «Таъминотчи» ҳар кандай жорий таъмирлаш ишлари бўйича «Истеъмочи»ни 3 кун давомида капитал таъмирлаш ишлари бўйича АГТКШ иш бошлагунга қадар 15 кун олдин хабар бериши лозим.